

1917967343- СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ  
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Тошкент ш.

2022 йил “21” декабр

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” декабрдаги № 27-01-14/6019 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг ТШТТ филиали директори Ф.Ш.Рустамов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **4-сектор Государственной налоговой инспекции**, номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи И.С.Чаандиров (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартномаси) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллӣ валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз ) фоиз** микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган ҳолда) \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм микдоридаги Абонент тўловини хамда \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширилмагига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олини истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура қабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини ююри даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаoliyatlariiga боғлик бўлмаган хар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonoma/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат тараба этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор килинади.

#### 7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узатирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулодорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз қучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичida бир-бирларини хабардор килишилари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳорари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Imzo 24 01 2022 y.

|  |   |
|--|---|
| <b>ОПЕРАТОР:</b><br>“Ўзбектелеком” АК ТШТТ филиали<br>Манзил: 100015, Тошкент ш.<br>Кичик ҳалқа йули, уй 2<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20210000704074838066;<br>СТИР203366731;<br>МФО:00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел: 1155 ;<br>E-mail: <a href="mailto:info@upr.tshtt.uz">info@upr.tshtt.uz</a> / <a href="http://www.tshtt.uz">www.tshtt.uz</a> ; | <b>АБОНЕНТ:</b><br>4-сектор Государственной налоговой инспекции<br>Манзил:<br><u>А.Генеев 95</u><br>Банк маълумотлари:<br>х/р:<br>СТИР: <u>201122578</u><br>МФО: <u>00014</u> ; Банк номи:<br>Тел: <u>91-235-72-15</u><br>E-mail: _____ |
| <b>Оператор номидан:</b><br>Директор <u>Ф.Ш Рустамов</u><br>М.ў. /имзо/ / и.ш.ф/   | <b>Абонент номидан:</b><br><u>Ч.С.Жагиров</u> <u>С.Садиков</u><br>М.ў. /имзо/ / и.ш.ф/  |

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

| т/р                                   | Хизматлар номи  | ҚҚС билан нархи (микдори) | Асос     | Микдори | 15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда) |
|---------------------------------------|---|---------------------------|----------|---------|--------------------------------------|
| 1                                     | 2   | 3                         | 4        | 5       | 6                                    |
| <b>I. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b> |   |                           |          |         |                                      |
| 1.1                                   | Business Unlim-10 тариф режаси бўйича интернет тармоғига уланиш тезлиги 10 Мбит/с | 490 000,00                | Нархнома | 1       | 490 000,00                           |
| <b>Жами (олдиндан тўлов)</b>          |   |                           |          |         | <b>490 000,00</b>                    |

Жами олдиндан тўлов микдори 490 000,00 (Тўрт юз тўқсон минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 5 880 000 (

) сўмни ташкил этади. Ундан 490 000,00 (Тўрт юз тўқсон минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови

**ОПЕРАТОР:**

“Ўзбектелеком” АҚ ТШТТ филиали

**АБОНЕНТ:**

4-сектор Государственной налоговой инспекции

**Оператор номидан:**

**Абонент номидан:**

Директор  
м.ў.

Ф.Ш Рустамов  
/и.ш.ф/



М.ў  
М.ў

